

**ДОРИ-ДАРМОН ЕТКАЗИБ БЕРИШ БЎЙИЧА  
ДАВЛАТ ШАРТНОМСИ № 23**

2022 йил “ 12 ” январь

Иштихон шаҳри

Кейинги ўринларда “Ижрочи” деб “**Sam Pro Med**” масъулияти чекланган жамияти, Устав асосида ҳаракат қилувчи раҳбари Холмурадов Саидусмон Нуриддинович орқали бир томондан, кейинги ўринларда “Давлат буюртмачиси” деб аталадиган **Иштихон тумани Тиббиёт Бирлашмаси** ўзининг Низоми асосида иш юритувчи раҳбари **О.Хужамов** иккинчи томондан қуйидагилар тўғрисида ушбу шартномани туздилар:

**1. Шартнома предмети**

1.1. Ижрочи мазкур шартномага илова қилинаётган ва унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланадиган тафсилотли рўйхатда белгиланган миқдорда ва муддатда дезинфекцияловчи воситаларни (кейинги ўринларда “товар” деб юритилади) тайёрлаб, етказиб бериш мажбуриятини олади. Давлат буюртмачиси эса етказиб берилган товарлар ҳақини белгиланган муддатда тўланишини таъминлаш мажбуриятини олади.

1.2. Ижрочи Давлат буюртмачиси билан келишган ҳолда товарни муддатидан олдин жўнатишга ҳақли. Муддатидан олдин етказиб берилган товар кейинги даврларда етказиб берилиши лозим бўлган товарлар миқдорига киритилади.

1.3. Шартноманинг ажралмас қисми бўлган иловага мувофиқ етказиб берилаётган товарларнинг тафсилотли рўйхати

№ п/п	Наименование товара (работ, услуг) / серия	Ед. изм.	Количество	Цена отпускная	Стоимость отпускная
	2	5	6	9	10
1	Барча турдаги дезинфекцияловчи воситалар Гипохлорид кальция 65%	кг	127	26 000,00	3 302 000
Всего:			127		3 302 000

**2. Товарнинг бутланиши ва сифати**

2.1. Етказиб берилаётган маҳсулотлар ўз сифати ва бутланиши жиҳатидан давлат стандарти талабларига жавоб бериши шарт.

**3. Шартнома баҳоси ва суммаси**

3.1. Мазкур шартнома бўйича етказиб берилаётган товарларга тарафларнинг келишувига мувофиқ шартноманинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланадиган баҳони келишув баённомасида белгиланган нархларга мувофиқ ҳақ тўланади.

3.2. Мазкур шартнома бўйича етказиб берилиши лозим бўлган товарлар суммаси **3 302 000** (уч миллион уч юз икки минг) сўмни ташкил этади.

**4. Маркировка, идишлар ва ўраш тартиби**

4.1. Товарлар тегишли давлат стандартлари ва техник шартлар талабларига жавоб берадиган ва ташиш ҳамда сақлаш жараёнида уларнинг сақланишини таъминлайдиган (идиш тури: контейнер, яшик, картон қути ва ҳ.) идишларга жойлаштирилиши лозим.

#### **5. Ҳисоб-китоб қилиш тартиби**

5.1. Етказиб берилаётган товарлар учун ҳисоб-китоблар қуйидаги тартибда амалга оширилади: сотиб олинмаган товарни қонунчиликка мувофиқ шартноманинг умумий суммасидан 30% миқдорида олдиндан тўлаш мажбуриятини олади, қолган 70% ни қабул қилиш ҳисоб-фактура асосида тўлайди.

5.2. Тўлов шакли нақд пулсиз пул кўчириш йўли билан амалга оширилади.

#### **6. Товарни миқдори ва сифати бўйича қабул қилиш тартиби**

6.1. Етказиб берилаётган товарларни миқдори ва сифати бўйича қабул қилиш маҳсулотлар (товарлар)ни миқдори ва сифати бўйича қабул қилиш тартиби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

6.2. Товарнинг миқдори ва сифати бўйича камчиликлари аниқланган ҳолда, қабул қилиш натижалари далолатномалар билан расмийлаштирилади.

#### **7. Шартноманинг амал қилиш муддати**

7.1. Шартнома 2022 йил "12" январдан бошлаб кучга киради ва 2022 йил "31" декабргача амал қилади.

#### **8. Тарафларнинг мулкӣ жавобгарлиги**

8.1. Етказиб беришнинг тегишли даврида товарларни етказиб беришни кечиктирганлик ёки тўлиқ етказиб бермаганлик учун Ижрочи Давлат буюртмачисига етказиб берилиши кечиктирилган ёки тўлиқ етказиб берилмаган товар суммасининг 20% фоизи миқдорида жарима тўлайди.

8.2. Сифати лозим даражада бўлмаган маҳсулотни етказиб берганлик учун Ижрочи Давлат буюртмачисига сифати лозим даражада бўлмаган товар қийматининг 50% фоизи миқдорида жарима тўлайди.

8.3. Давлат буюртмачиси етказиб берилган товарлар учун тўловни кечиктирилганлик учун тўлови кечиктирилган ҳар бир кун учун қарз суммасининг 0,4 % фоизи миқдорида, лекин тўлови кечиктирилган сумманинг 50 фоизидан ошмайдиган миқдорда пеня тўлайди.

8.4. Шартномада белгиланган муддатда товарларни танлаб олмаганлик ёки шартномада белгиланган муддатда етказиб берилган товарларни қабул қилишни асоссиз рад этганлик учун Давлат буюртмачиси Ижрочига танлаб олинмаган товарлар қийматининг 5% миқдорида жарима тўлайди.

8.5. Мазкур шартномада назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлик чоралари амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

#### **9. Шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш тартиби**

9.1. Ушбу шартномага киритилмаган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма равишда расмийлаштирилган ва тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган тақдирдагина ҳақиқӣ ҳисобланади.

9.2. Шартнома фақат тарафларнинг келишувига мувофиқ бекор қилиниши мумкин.

#### **10. Қўшимча шартлар**

10.1. Шартнома **икки нусхада** тузилган бўлиб, иккаласи ҳам бир хил юридик кучга эга деб ҳисобланади ва тарафларга бир нусхадан берилади.

10.2. Ушбу шартномани бажариш жараёнида келиб чиқиши мумкин бўлган низолар ва зиддиятлар тарафлар ўртасида музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади.

10.3. Низоларни музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этишнинг имкони бўлмаган тақдирда, тарафлар низоларни судгача ҳал қилишнинг қонунда белгиланган тартибига риоя қилган ҳолда, талабнома билдиргандан сўнг ун беш кун ўтгач, низони ҳал қилиш учун иқтисодий судига топширадилар.

### 11. Тарафларнинг реквизитлари:

#### ИЖРОЧИ:

"SAM PRO MED" МЧЖ

Манзил: Самарканд ш Набиева куч 4уй

Тел/факс: 90-605-99-09

Х/Р: 20208000905273316001

СТИР: 307692582 ИФУТ: 46460

Банк номи: ЧАКБ ORIENT FINANS

Самарканд филиали МФО: 01111

Рахбар:  С.Н.Холмуродов  
М.У.

Ҳуқуқшунос: \_\_\_\_\_

Лицензия (диплом) №: \_\_\_\_\_

Берилган сана: \_\_\_\_\_

Иштихон туман Юридик хизмат  
кўрсатиш маркази бошлиғи: \_\_\_\_\_

#### ДАВЛАТ БУЮРТМАЧИСИ:

Иштихон туман Тиббиёт бирлашмаси

Манзил: Иштихон ш. Навоий кўчаси 12 уй

Тел/факс: 66-629-10-00

Ш/ХВ: 100022860182127072130017045

СТИР: 200972012 ИФУТ: 91511

Иштихон т. буйича Ғазначилик Булинмаси

Ғазна Х/Р: 23402000300100001010

Банк номи: Марказий б. Тошкент ш. ХККМ

МФО: 00014 СТИР: 201122919

Рахбар:  О.Б.Хужамов  
М.У.



Ш.Юлдашев

Электрон рақамли имзо орқали тасдиқланган, Ҳужжат коди: XF2142054125

## ЮРИДИК АҲАМИЯТГА ЭГА ҲУЖЖАТЛАРНИНГ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА МУВОФИҚЛИГИ ТЎҒРИСИДА ҲУҚУҚИЙ ХУЛОСА

1. Лойиҳанинг тури

**Шартнома**

2. Лойиҳанинг номи

**Дори-дармон етказиб бериш шартномаси** (Иштихон туман Тиббиёт бирлашмаси ва «Сам Про Мед» МЧЖ ўртасида тузилган дори-дармон етказиб бериш шартномаси. Ушбу шартнома ПҚ 3953-сон Қарорининг 18-бандига асосан қабул қилинган)

3. Лойиҳа ишлаб чиқувчиси ва киритилган сана ҳақидаги маълумот

**Иштихон туман Тиббиёт бирлашмаси 21.01.2022 йил**

Лойиҳа амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган ва уни қабул қилиш мақсадга мувофиқ.

2022 йил «21» январ

Марказ бошлиғи:



Ш.Юлдашев